

УДК:41/42/48

XIX АСРНИНГ ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК ВА РУС ШЕЪРИЯТИДАГИ МУШТАРАКЛИК ҲАМДА ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

О.Барзиев

Аннотация

Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари ўзбек шеъриятига рус адабиётининг таъсир масаласи ёритилган. Ундаги янги ифода ва шакллар, вазн ва образлар тизимининг ўзига хосликлари таҳлил этилган.

Annotation

В статье освещается влияние русской литературы на узбекскую поэзию второй половины XIX - начала XX веков. Представлено её новое выражение, виды, своеобразие образов.

Annotation

The article gives the influence of Russian of XIXth Century and the beginning of the XXth Century. There are described all the rhythms and forms images are discussed.

Таянч сўз ва иборалар: шакл ва мазмун, адабий таъсир, даър муаммолари, ҳалқ оғзаки ижоди, рамзий образлар, миллат тақдиди, рус шеърияти, таржималар.

Ключевые слова и выражения: содержание и форма, художественное влияние, проблемы периода, устное народное творчество, символические образы, судьба нации, русская поэзия, переводы.

Key words and expressions: content and form, influence of literature, the problems of the time, oral creative works, symbolized images, national destiny, Russian poetry, translations.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеъриятининг янги босқичида, шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгаришида, даврнинг долзарб муаммоларини реалистик акс эттиришида рус шеъриятининг таъсири катта бўлди. Профессор Ф.Каримов таъкидлаганидек, “Рус адабиётининг А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.В.Гоголь, И.А.Крилов, Л.Н.Толстой, Н.А.Некрасов, А.П.Чехов асарларидан баъзилари ўша вақтда ўзбек тилига таржима қилинди, ўзбек китобхонлари уларнинг асарлари билан ўз она тилларида танишдилар. Улуғ рус шоири А.С.Пушкиннинг “Балиқчи ва балиқча ҳақида эртак” асари шеърий ва насрый варианларда, “Боқчасарой фонтани” достони ва “Шоир” шеъри насрый шаклда ўзбек тилида таржима қилиниб, “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида (1899 й.) чоп этилди. Улуғ рус масалчиси И.А.Крилов асарлари ўзбек адабиётига ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб кириб кела бошлади... рус адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималар ичida рус ҳалқ оғзаки ижоди намуналари ҳам катта ўрин тутади. Бу жиҳатдан ўзбек тилида яратилган дастлабки мактаб дарслклари диққатга сазовордордир” [1.33]. Рус адабиётининг Комил Аваз, Муқимий, Йибрат, Ҳамза, Авлоний, Чўлпон шеъриятига кўрсатган таъсири катта бўлди. Айниқса, шоир,

хаттот, бетакрор мусиқашунос, таржимон, давлат арбоби Комил рус илм-фани, тили ва маданияти билан яқиндан таниш бўлган. Бу эса қатор шеърларининг яратилишида таъсир манбай вазифасини ўтаган. Профессор Б. Қосимов Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида Комил Хоразмийнинг “Икки шўх” радифли шеърининг дастхат нусхасини, унинг газета (“Туркистон вилоятининг газети” – О.Б.) саҳифасига киритиш учун тайёрланган корректураси, корректура устига муҳаррир томонидан битилган қайдлар ҳамда шеър қаерда, қандай муносабат билан дунёга келгани хусусида Н.П.Остроумов кундалиги ёзувлари сақланаётганини келтиради” [2.56]. Газета муҳаррирининг уйида, Тошкентда 1891 йил 5 сентябрда Комилнинг меҳмон бўлиб, Ғарб ва Шарқ мусиқий меросидан айрим асарларни рус ҳалқ қўшиқларининг фортельяно жўрлигига тинглаши, икки қизи ижросида бал рақсларини томоша қилганлигини хотирлаб, қўйидагиларни ёзади: “Чойдан кейин биз меҳмонхонага ўтдик,- деб ёзади Н.Остроумов, - Паҳлавон Мирзабоши диванда ўтириб, қизимнинг рояль чалишини тинглади. У хивача ҳамда форсча куйларни, “Қиз муножоти” ва бошқа баъзи қўшиқларини чалиб берди. Қария мусиқани ва рус ҳалқининг баъзи қўшиқларини диққат билан тинглади.” Ана шулар асосида яратилган “Икки шўх” радифли ғазали

О.Барзиев – ФарДУ қошидаги академик лицей ўқитувчиси,
мустақил тадқиқотчи.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Солурда ғамза хадангин камона ул икки шўх,
Мани ул ўқфа қилурлар нишона ул икки шўх.

Боқиб жамолиға юз тил била фифон айлар,
Етурса илкини фортапиёна ул икки шўх.

Қучоқлашуб бўлодур бир-бирига жуфт андоқ,
Ки тоқпўсти Ирамға дугона ул икки шўх.

Агарчи ҳуснда маъшуқи аҳли оламдур,
Ва лек нола қилур ошиқона ул икки шўх

тарздаги сатрларида икки рус қизининг санъатдаги кўп қиррали маҳоратлари мароқ билан тасвирланган. Бу эса миссионер Н.П.Остроумовнинг чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини яшириш, Туркистонга “илғор маданиятни” олиб келганликларини намойиш этиш, бу ишларнинг маҳаллий халқ вакилларидан тарғиботчиларини тайёрлаш борасидаги ҳаракатларининг маҳсули эди.

Ёки, Аваз Ўтар ўғли ҳам ўз даври талабларидан келиб чиқиб, маърифатпарварлик ғояларини илгари суриши бунга далилдир. У “Тил” шеърида “тил билмаганинг бағри тўла қон” эканини таъкидларкан, рус тилини ўрганишга тарғиб этади. “Ҳар тилни билув эмди бани одама

жондур, Тил воситаи робитай оламиёндур. Файри тилин саъй қилинг билгани, ёшлар Ким илму ҳунарлар ривожи ондин аёндур” [3.231] дея мамлакат ривожи бошқа тилни билиш билан ҳам боғлиқлигини таъкидлайди.

XIX асрнинг 90-йилларида Тошкентда бўлиб, “Қўкалдош” мадрасасида истиқомат қилган Зокиржон Фурқат “Гимназия”, “Илм хосияти”; “Виставка ҳусусида”, “Нағма базми ҳусусида”, “Нағма ва нағмалар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири ҳусусида” шеърлари ҳамда “Суворов ҳақида” достонини яратиб, рус таълим тизими, мусиқаси, маданиятидан таассуротларини юқори ифодаларда акс эттиради. Ўз даврининг янгилиги бўлган телеграф ҳақида

Масалким, Тошканддин олсалар мол,
Билиш лозимки, Московда на минвол.
Юбориб ё бориб беҳбуд топса,
Бу савдосида яъни суд топса.
Бўлурлар телеграмм ила хабардор,
Бўлурлар нафъ ёинки зарар бор.
Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин,
Бўлубдур илмни хосиятидин.
Скандар давлатида аҳли Юнон,
Филотун ҳам Арасту бирла Луқмон.
Фунуни телеграмм билмадилар,
Магар илмони ҳосил қилмадилар, [4.112]

дея ёзаркан, илмсизликнинг заарини ўтмиш билан қиёслаш орқали ёритишга эришади.

Рус шеъриятининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб, ижод этган ўзбек шоирлари ижодига таъсири Ҳ.Ҳ.Ниёзий асарларида ҳам яқол кўзга ташланади. Профессор С.Мамажонов “Комил Яшин, М.Кузнецова, Иван Ле ва бошқа ёзувчилар, адабиётшуносларнинг эътироф этишича, Ҳамза Пушкин, А.Островский, Гоголь, Л.Толстой, М.Горкий, В.Маяковский ва бошқа шоир, ёзувчиларнинг асарларини ўқиган, шу билан бирга Ҳамза татар, озарбайжон тилига

қилинган таржималар орқали рус ва европалик ёзувчиларнинг асарларидан баҳраманд бўлган. Абдулла Тўқай жуда кўп рус ёзувчилари ва Европа ёзувчиларининг асарларини татар тилига таржима қилиб, ўзи ишлаётган газета, журналларда эълон қилган. Ҳамзанинг бадиий оламига рус адабиёти Абдулла Тўқай тажрибаси орқали ҳам кириб келган” дея тўғри таъкидларкан, Ҳамзанинг “Ишчи бобо” шеъри А.Кольцовнинг “Что ты спиши”, мужичок?” деган шеърини эслатишини ёзади.

Ҳамзанинг “Қутлуғ бўлсин” шеъридаги

Қиши битди, баҳор етди,
Булутлар келиб, зоғлар кетди.
Найсонлар сайрашиб,
 ўйнашиб қўйилди!
Чақмоқлар чақинди,
 довуллар қоқинди,
Қавслар жилмайиб,
 нозлик уйқусидан
Табиат сесканиб,
 пардалар сўқилди,
 нурлар тўкилди! [4.205]

тарзидаги сатрлар XX аср бошлари ўзбек шеърияти учун мутлақо янги бўлган эркин шеър тизимида яратилаганлиги В.Б.Маяковский асарларидан таъсиrlанганлигини ҳам кўрсатади.

XIX асрнинг иккичи ярми – XX аср бошларида юзага келган янги усуздаги жадид мактаблари учун дарсликлар яратишида рус адабиёти намояндалари асарларидан қилинган таржималар муҳим ўрин тутди. Бу борада А.Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккичи муаллим”, “Мактаби Гулистанони” дарсликлиридаги ахлоқий-таълимий масалалар таъсир манбай вазифасини бажарганини айтиб ўтиш керак. Масалан, “Мактаби Гулистанони” (1916) дарслигидаги “Тулки ила серка”, “Маймун ила кўзойнак”, “Ит ила йўловчи” каби масаллар И.А.Криловдан қилинган таржималар бўлиб, улар шу руҳдаги “Қарға ва зағизон”, “Қамиш ва қовға”, “Қуш ила илон”, “Зулук ила илон”, “Тулки ила қарға” каби қатор масалларнинг яратилишига таъсири кўрсатди.

Жамиятдаги долзарб, оғриқли муаммоларни ўзининг шахсий дардига айлантира олган, Ватан истиқполи, шахс эркин ғояларини баланд пардаларда куйлаган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодида рус адабиётининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чор Россияси ва Шўро ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ қоралаган, асарларида ҳуррият ғояларини тинимсиз тарғиб этган Чўлпон рус адабиётига чукур ҳурмат билан қараган, улар билан ўзбек китобхонларини танишириша ўзида мажбурият сезгани сир эмас. Улуғ рус шоири А. Блокнинг “Кўнгил жимдир. Совуқ кўкда Қараб унга ёниб турган Ҳануз ҳали у юлдузлар” [12.122] сатрлари билан бошланувчи шеърини маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган Чўлпон “Балжувон”, “Киshan”, “Қиши олдида” каби юрт истиқполи, шахс эркини тараннум этувчи, мустабид

тузумнинг мустамлакачиликка, тазиқларга асосланган сиёсатини фош этувчи асарларини яратишида таъсиrlанди. А. Блок шеърида даврнинг долғали воқелиги ва бу ҳолатни ички изтироб билан кузатиб турган лирик қаҳрамон қиёфаси “Бутун атроф ва ҳар ёқда “Нон, олтин!”, деб фифон қилган Талашчи, ғалвачи эллар. У жим: лекин фифонларга Қулоқ берган ва кўз тиккан Узоқларга – йироқларга!” тарзда намоён бўлади. Лирик қаҳрамоннинг инқилоб деган шиор билан давлат тўнтишини амалга ошириб, мамлакатни пароканда ҳолатга олиб келган шўроларга салбий муносабати уларни “талашчи, ғалвачи эллар”, деб аташида сезилади. Ёки Чўлпон томонидан 1922 йилда таржима қилинган “Одам ва қуш” (муаллифи номаълум рус шоири) шеърида шоир “мен” и “гўзал қушлар”га ўзидан қўрқмасликларини, кўнгилларидағи яширин сирларни эркаланиб, сайраб ошкор қилаверишларига даъват этар экан, эркин жамиятда эркин яшаш ғоясини илгари суради. Шеърнинг “Ҳам далада, ҳам боғчада тинч бўлинг! Тутмоқ учун сизга тузоқ қўймайман. Эркинликда эркин бўлиб яшашнинг Қимматини мен ўзим ҳам биламан!” сатрларидағи ғоявий мазмун улуғ рус шоири А.С.Пушкиннинг “Қушча” (1823) шеъридаги “Ватаним одатин бегона элда Мен муқаддас билиб бажармоқдаман: Баҳор байрамида - гўзал сайилда Қушчага эрк бериб учирмоқдаман. Кўнглим шундан топар тасалли – ором: Худодан нолишим ўринли эмас, Ахир, мен озодлик этолдим инъом Ақалли биргина жонга бир нафас” (Ҳ.Ғулом таржимаси) мисраларини ҳам ёдга солади. Чўлпон А.С.Пушкиннинг “Банди”, “Булбул билан гул” шеърларини ҳам ўзбек тилига таржима қилиб, маҳорат сирларини ўрганди. Ушбу ўринда академик Г.И.Ломидзенинг “Чўлпон рус адабиётига тобора кўпроқ қизиқиб, Пушкин, Гоголь асарларини, Горькийнинг “Она”си, С.Третьяковнинг “Ҳайқир Хитой”ини ўзбек тилига таржима қилган.”, деган сўзлари

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

характерлидир. Таниқли адабиётшунос Ш.Турдиев Чўлпон рус ва жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, улар ҳақида мақолалар, шеър ва ҳикоялар битганини таъкидлаб, қуидагиларни ёзади: “Шунингдек, шу йилларда Чўлпон асарлари ҳам рус, қардош ва хорижий эллар тилларига таржима бўлиб, улар орасида кенг тарқала бошлади, уларнинг адабиёт ва матбуот ходимлари, зиёлилар диққатларини тобора кенгрок ўзига жалб қила бошлади”.

Чўлпон шеъриятидаги гул, булбул, чечак, қарға, сўзанак, қор, қуш, юлдуз каби сўз, ва образлар воситасидаги тасвиirlарида фалсафийлик яширин. Танланган таъсирчан ифодаларда эса ушбу таъсирнинг муайян ўрни ва аҳамияти бор. Масалан, унинг “Тонг” (1920) шеъридаги “Сайра,- дедим, - қайғу чеккан эй булбул, Кўнглингдаги қайғу – ҳасратларингни. Булбул деди: “Тонг отсин-да ерни Ясантирсин менинг маъшуқам: Гул!.. Эй сўзанак,- дедим, - жонсиз ётма, Қанотчангни визиллатиб учгил - Учиб гулзорларга бориб тушгил! Деди: “Фоғил, тонг отгунча шошма!” “Уйғон, - дедим, - тўлғон, - дедим, ай Шарқ”, Занжирларни узиш вақти келди. Эрк олишга “вақт”лаган боди, Шунинг учун тўлқинланди кўп ҳалқ” сатрларида тонг тасвири билан боғлиқ эрк ва озодлик ғоялари ифодаси билан боғланишида А.С.Пушкин шеърларининг таъсири борлигини сезиш қишин эмас. Шеърнинг кейинги бандларида Чор Россияси мустамлакасидан кейин ўлкада хунрезилклар билан ҳукмронлигини ўрнатган Шўро ҳукуматидан озод бўлишга ундаш ғоялари яққолпроқ намоён бўла боради: “Кўп тахтлар йиқилиб, синди кўп тожлар, Тож-тахт эгалари қонларга ботди. Охири зўр келиб қашшоқлар, очлар, Қизил тонг устида эрк тонги отди. Ҳали ҳам ухласа Шарқдаги эллар, Ҳали ҳам ўзгага қул бўлиб турса, Нима дер, “хўб”

дерми, айтингиз, эрлар, Ўроғин кўтариб Азроил келса”. Профессор Н.Каримов Чўлпон ижодининг аҳамиятини “Чўлпоннинг улуғворлиги шундаки, у XX аср ўзбек адабиётини янги бир поғонага кўтариб, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва равнақ топишига улкан ҳисса қўшибгина қолмасдан, ҳалқда Ватан, Миллат, Истиқлол тушунчаларининг теран маъно касб этишига ҳам мислсиз даражада катта таъсир кўрсатди. Ўзга сўзлар билан айтганда, у ҳалқда Ҳуррият туйғусини уйғотди, унинг кўзидаги ғафлат ифодасини олиб ташлади, унда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч ҳисларини тарбиялади. Унинг фуқаролик жиҳати худди шундадир” [5.189], дея тўғри кўрсатиб берди.

Чўлпон А.С.Пушкин асарларидан эрк, озодлик мавзусини ёритишда қуш, жонивор ва ҳашаротларни тутқунлиқда сақлашни қоралаш орқали акс эттиришни ўрганган бўлса, А.Блок ижодидан символик сўз ва образлар воситасида муайян фалсафий фикрни ифодалашни ўзига одат қилди.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари ўзбек шеъриятига рус адабиётининг таъсири натижасида кейинчалик янги ифода ва шаклларининг, вазн ва образлар тизимининг кириб келиди. Шунингдек, ўзбек шеърияти тил жиҳатидан омма тилига, тасвир жиҳатидан инсоннинг реал ҳаётига яқинлашди. Ушбу ўринда ўзбек шеъриятидаги эрк ва ҳуррият ғояларини фақат рус адабиёти билангида боғлаш тўғри эмас. Бу ўзбек мумтоз ва ҳалқ оғзаки ижоди анъаналарининг маҳсули эканини ҳам унутмаслик керак. Ўз даврида рус адабиёти ўзбек шоирлари ва китобхонларининг Европа адабиёти билан танишишлари учун ўзига хос кўпприк вазифасини ўтади.

Адабиётлар:

- 1.Каримов Ф.К. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1966.
- 2.Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият, 2004.
- 3.Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960.
- 4.Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. 1 - жилд. –Т.: Фан, 1988.
- 5.Каримов Н. XX аср манзаралари. – Т.: O'zbekiston, 2008.

(Тақризчи: А.Сабирдинов, филология фанлари доктори.)